

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ХУДАЁРОВ САНЖАРБЕК САРВАРОВИЧ**

**МЕЪДА САРАТОНИ ЖАРРОҲЛИГИДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of sciences (DSc)**

<b>Худаёров Санжарбек Сарварович</b> Меъда саратони жарроҳлигида янги технологиялар .....	3
<b>Худаёров Санжарбек Сарварович</b> Новые технологии в хирургии рака желудка .....	23
<b>Khudayorov Sanjarbek Sarvarovich</b> New technologies in gastric cancer surgery.....	43
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	47

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**ХУДАЁРОВ САНЖАРБЕК САРВАРОВИЧ**

**МЕЪДА САРАТОНИ ЖАРРОҲЛИГИДА ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**14.00.14 – Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАНЛАР ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/Tib564 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-сайтида ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Джураев Миржалол Дехканович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мухаммедаминов Шухрат Каримджанович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Хакимов Мурод Шавкатович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Лигай Руслан Ефимович**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш  
вазирлиги ФДАОТМ И.М. Сеченов  
номидаги Биринчи Москва давлат тиббиёт  
университети**

Диссертация ҳимояси 2025 й. «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да соат \_\_\_\_\_ да Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий даражалар бериш бўйича DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 рақамли Илмий Кенгаш йиғилишида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13; e-mail: [www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_-сон билан рўйхатдан ўтказилган). манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13.

Диссертация автореферати тарқатилди «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2025 йилда.  
(2025 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ -сонли юбориш протоколи реестри).

**М.Н.Тилляшайхов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А.Адилходжаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**М.Х.Ходжибеков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,  
профессор

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Дунё бўйлаб меъда саратони (МС) хавфли ўсмалар орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди, айниқса, Осиё, Шарқий Европа ва Лотин Америкаси мамлакатларида. GLOBOCAN 2022 маълумотларига кўра, "...2022 йилда бутун дунё бўйлаб 968 784 та янги меъда саратони ҳолати қайд этилган бўлиб, бу барча хавфли ўсмаларнинг 4,8% ни ташкил этади. Худди шу йили меъда саратони туфайли 660 175 киши вафот этган, бу эса хавфли ўсмалардан ўлим ҳолатларининг 6,8% ни ташкил қилади..."<sup>1</sup>. Хавфли ўсмалар билан касалланиш тузилмасида МС кўплаб мамлакатларда ўртача иккинчи ўринни эгаллайди. Россияда МС сўнгги йилларда барқарор равишда хавфли ўсмалар орасида 2-ўринни эгаллаб келмоқда. Ўзбекистонда эса 2023 йилда 1957 беморда МС аниқланган бўлиб, эркаклар орасида 1-ўринни, аёллар орасида эса кўкрак беги хавфли ўсмасидан сўнг 2-ўринни эгаллаган. МС ҳолатларининг ўсиши ва юқори ўлим кўрсаткичи сабабли мазкур касаллик замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳон тиббиётида меъда хавфли ўсмаларининг тарқалиши, ташхиси ва комплекс даволашга бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. МС жарроҳлик даволашининг бевосита ва узоқ муддатли натижалари ўрганилган ҳолда, кўплаб муаллифлар гастрэктомия (ГЭ) нинг мақсадга мувофиқлигини ва унинг меъда резекциясига нисбатан радикалроқ усул эканлигини таъкидлайдилар. Бироқ, ГЭ беморлар учун оғир кечади, жарроҳ учун эса меҳнатталаб жараён ҳисобланади. Бундан ташқари, унинг функционал натижалари қониқарсиз бўлиб қолмоқда. Эзофаго-еюно-анастомоз билан ўтказилган ГЭ 12 бармоқ ичак ва камида 40-50 см ингичка ичакнинг ҳазм жараёнидан чиқиб қолишига олиб келади. Бу эса кўпинча турли хил постгастрэктомик синдромлар (ПГЭС) ривожланишига сабаб бўлади. Ушбу муаммоларнинг олдини олиш мақсадида кўплаб гастропластик ва реконструктив операцияларнинг турли модификациялари ишлаб чиқилган. Бироқ кўплаб муаллифлар томонидан эзофагоеюноанастомозни шакллантиришнинг етарлича ишончли усули ҳалигача мавжуд эмаслиги ва меъданинг резервуарлик функциясини қониқарли даражада тиклашга қодир бўлган резервуарни шакллантириш усуллари ривожлантириш ва такомиллаштириш зарурлиги таъкидланмоқда. Бу эса ушбу мавзунинг тадқиқотлар учун долзарблигини, жарроҳлик давосини самарасини оширадиган истиқболли илмий тадқиқотларни юритиш, муҳим илмий-амалий аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, онкологик касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволашга йўналтирилган чоратадбирлар изчил амалга оширилмоқда. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналиши доирасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга

<sup>1</sup>[https://gco.iarc.who.int/media/globocan/factsheets/populations/900-world-fact-sheet.pdf?utm\\_source=chatgpt.com](https://gco.iarc.who.int/media/globocan/factsheets/populations/900-world-fact-sheet.pdf?utm_source=chatgpt.com)

кўтариш мақсадида «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> бўйича аниқ вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, меъда хавфли ўсмалари бўлган беморларда клинико-морфологик жиҳатларни ўрганиш ҳамда даволаш-профилактика тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб ҳисобланади. Келтирилган йўналишлар замонавий онкологиядаги энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, юқоридаги далиллар ушбу масаланинг аҳамиятини яна бир бор тасдиқлайди ва бу соҳада илмий тадқиқотларни амалга оширишнинг мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2021 йил 27 майдаги ПҚ–5130-сон «Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Тадқиқот Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ А-9-040-сонли илмий тадқиқотлар гранти ("меъда саратони реконструктив ва реконструктив жарроҳлиги технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш"мавзусида) асосида ўтказилди.

### **Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.<sup>3</sup>**

Меъда саратони аниқланган беморларни диагностикаси ва комбинирлашган даволашга қаратилган илмий тадқиқотлар дунёдаги қатор етакчи илмий марказлар ва олий таълим муассалари, жумаладан: Anderson Hospital (Texas), J. Hopkins Hospital (Meriland), Memorial Sloan-Kettering Cancer Center (New York), Mayo Clinic (USA), Memorial Health University Medical Center (USA), Cleveland Clinic (USA), National Cancer Center Hospital (Japan), Ro Hospital (UK), St. George's University Hospitals NHS Foust (UK), King's College Hospital

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги № УП-60-сон «2022–2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. [www.msccc.org](http://www.msccc.org), [www.mdanderson.org](http://www.mdanderson.org), [www.hopkinsmedicine.org](http://www.hopkinsmedicine.org), [www.mayoclinic.org](http://www.mayoclinic.org), [www.clevelandclinic.org](http://www.clevelandclinic.org), [www.charite.de](http://www.charite.de), [www.ncc.go.jp](http://www.ncc.go.jp), [www.snuh.org](http://www.snuh.org), [www.petermac.org](http://www.petermac.org), [www.pumch.cn](http://www.pumch.cn), [www.pkucancer.com](http://www.pkucancer.com), [www.samsunghospital.com](http://www.samsunghospital.com), [medicine.cu.edu.eg](http://medicine.cu.edu.eg), [www.regionh.dk/righospitalet](http://www.regionh.dk/righospitalet), [www.ncis.com.sg](http://www.ncis.com.sg), [www.ronc.ru](http://www.ronc.ru), [new.nmicr.ru](http://new.nmicr.ru), [www.niioncologii.ru](http://www.niioncologii.ru), [www.cancercenter.uz/ru](http://www.cancercenter.uz/ru).

(UK), Charité University Hospital (Germany), Peking Union Medical College Hospital (China), Peking University Cancer Hospital (Beijing), Seoul National University Hospital (South Korea), Medical Center Samsung (South Korea), Cairo University Hospitals (Egypt), National University Cancer Institute (Singapore), Н.Н. Блохин номидаги онкология маркази (Россия), П.А. Герцен номидаги онкология маркази (Россия), Н.Н. Петров номидаги онкология маркази (Россия), Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида меъда саратони билан касалланган беморларнинг комбинирланган даволаш бўйича бир қатор илмий натижалар олинган, жумладан: Германиянинг Билефельд Университетида ўтказилган ESOPEC Trial клиник тадқиқотида маҳаллий тарқалган меъда саратонини даволаш учун FLOT ва CROSS протоколлари таққосланган ва ижобий натижалар олинган; АҚШдаги Миллий саратон институтида (NCI) меъда саратони учун таргет ва иммунотерапияга асосланган даво схемалари ишлаб чиқилган, шу жумладан авастин каби дори воситалар самараси исботланган; Жон Хопкинс клиникасида (АҚШ) меъда саратонида кам инвазив робот ассистирланган жарроҳлик (RAMIE) амалиётининг аҳамияти асосланган; Миллий саратон институтида (NCI) молекуляр диагностика (масалан, HER2 ёки PIK3CA), гуморал иммунология ва CAR-T хужайралар каби биоинженеринг усуллари ўз ичига олган мураккаб ёндашув ишлаб чиқилган. Ушбу ёндашув қизилўнгач саратони диагностика ва даво сифатини оширишга қаратилган; Япония Миллий саратон марказида қизилўнгач саратонини даволаш учун иммунотерапия билан биргаликда микробиота трансплантацияси усули ишлаб чиқилган.

Ҳозирги вақтда меъда хавfli ўсмаларини жарроҳлик йўли билан даволашни такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан куйидаги илмий тадқиқотлар устувор йўналишларда олиб борилмоқда: Онкожарроҳлик марказларида даволаш-ташхис ёндашувларини такомиллаштириш; Химиотерапия ва нур терапиясининг таъсирини баҳолаш ва меъда хавfli ўсмалари бўлган беморлар учун энг самарали усуллари ишлаб чиқиш; Операциядан кейинги ҳолатни яхшилаш, шу жумладан, меъда хавfli ўсмалари билан оғриган беморларда жарроҳлик асоратларининг хавфини пасайтириш; Гастрэктомия (ГЭ) муваффақиятли ўтказилган беморлар сонининг ортиши ва узоқ муддатли натижаларнинг яхшиланишига қарамасдан, меъданинг тўлиқ олиб ташланиши билан боғлиқ операциядан кейинги касалликлар муаммоси ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда, бу ҳолат хазм йўллариининг турли бўлимлари ўртасидаги нормал анатомик-физиологик муносабатларнинг ўзгариши билан боғлиқ; Рецидивсиз яшовчанлик муддатини узайтириш ва комплекс реабилитация дастурларини жорий этиш орқали беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш; Бу тадқиқотлар замонавий онкологиядаги муҳим муаммоларни ҳал этишга қаратилган бўлиб, уларни амалга ошириш хавfli ўсмаларни даволаш самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Аввалдан маълумки, ГЭнинг кониқарисиз клиник натижалари, кўпинчи унинг овқат ҳам қилиш қилиологиясига негатив таъсири билан белгиланади. Замонавий илмий адабиётларда ГЭдан сўнг овқат ҳазм қилиш тизимининг қизиологик реконструкция қилиш усуллари борасида кўплаб фундаментал ишланмалар мавжуд. Лекин, ўндан ортиқ бендай усуллар мавжудлигига қарамай, уларинг ҳеч бири оптимал деб қабул қилинмаган (Pan V. et.al., 2008, Yang V.S. et. al., 2013). Ярим аср давомида клиник амалиётда ингичка ичак ҳалқасини Ру ёки Броун анастомози билан реконструкция қилишнинг классик версияси устунлик қилди (Черноусов А.Ф., 2004; Livonen M.K., 2008). Аммо ҳар қандай ҳалқали пластик жарроҳликнинг камчилиги шундаки, у овқат ва ҳазм қилиш шарбатларининг ўтишини анатомик ажратилишига, химус ферментациясининг ва овқат ҳазм қилишнинг нейрогуморал регуляциясининг бузилишига олиб келади. ПГЭС частотаси ўртача 30 дан 83% гача ўзгаради (Hyung W.J. et.al., 2008).

Д.В.Ручкин ва бошқ. маълумотида кўра, ГЭдан кейин оғир овқат ҳазм қилиш бузилиши, операция қилинган беморларнинг 25 фоизида доимий ногиронлик бошланишига олиб келади. Шу билан бирга, ГЭ дан кейин жарроҳлик йўли билан овқатларнинг табиий ўтишини тиклаш усуллари ҳали жарроҳлик амалиётида кенг қўлланилмаган. Айни пайтда, асосий олиб боралаётган тадқиқотлар натижасида еюнопластиканинг нисбий техник соддалигига, уни амалга ошириш билан боғлиқ асоратларнинг етарлича пасайишига ва беморларнинг ҳаёт сифатининг яхшилашишига эришишга имкон беради. Меъданинг жарроҳлик касалликларини даволаш тарихида ГЭ дан кейин овқат ҳазм қилиш трактининг узлуксизлигини тиклашнинг классик ва ўзига хос усулларининг турли мисоллари мавжуд. Бироқ, яқин вақтгача қизилўнгач – ичак анастомозини қўллашнинг кўп жиҳатлари мунозарали бўлиб қолмоқда. Бу усуллардан фойдаланиш учун кўрсатмалар ёки қарши кўрсатмаларни аниқлаш учун ҳали ҳам ягона ёндашув мавжуд эмас. Илмий адабиётларда ГЭ дан кейин қизилўнгач-ичак анастомозининг турли хил вариантларидан фойдаланиш натижаларини таққослаш учун камдан-кам уринишлар мавжуд.

Ўлим таркибида етакчи ўринни эгалловчи қизилўнгач ичак анастомози чокларининг этишмовчилиги муаммоси ҳали ҳам долзарбдир (Brasesco O.; Rosin D., 2001; Ikeguch M.; Oka S., 2001). Анастомоз стенози муаммоси ўз аҳамиятини йўқотмаган ва эзофагоеюнопластика техникасини янада такомиллаштириш йўллари излаш долзарблигича қолмоқда (Chikora K. et.al., 2001). Шунинг учун чоклар этишмовчилиги пайдо бўлишининг олдини олиш учун ишончли анастомозни шакллантириш йўллари ва усулларини ўрганиш керак. Бу қизилўнгач-ичак анастомозини шакллантиришнинг ҳозирда қўлланилаётган асосий усулларини қиёсий баҳолаш йўли билан амалга оширилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Республика Онкология ва радиология илмий-



амалий тиббиёт марказининг (2017-2021 йиллар) илмий-тадқиқот режасига мувофиқ амалга оширилди.

**Тадқиқотнинг мақсади** меъда ўрнини босувчи резервуар ва функционал жиҳатдан адекват инвагинацион-муфтасимон қизилўнгач-ичак анастомозини яратиш орқали гастрэктомиядан кейинги беморларнинг бевосита ва функционал натижалари ва ҳаёт сифатини яхшилашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ўн икки бармоқ ичакни овқат ҳазм қилиш жараёнига қайтариш ва меъданинг резервуар функциясини компенсация қилиш билан гастрэктомиядан кейинги меъда ўрнини босадиган резервуарни яратишнинг оригинал усулини ишлаб чиқиш;

шаклланган резервуарнинг мумкин бўлган функционал асоратлар, ҳаёт сифати ва операциядан кейинги реабилитация жараёнига таъсирини ўрганиш ва бу таъсирни резервуар шакллантирилмаган ГЭ натижалари билан қиёсий баҳолаб чиқиш;

замонавий тадқиқот усулларида фойдаланган ҳолда резервуарнинг мотор ва эвакуатор вазифаларини, шунингдек, морфометрик хусусиятларини ўрганиш, суткалик рН-метрияси ва кислота-асос муҳитини монометрик текширувларини ўтказиш ва резервуарнинг бўшлиқ ичи босимини баҳолаш;

қизилўнгач-ичак анастомозини таркибий ва функционал хусусиятларини таъминловчи янги юқори ишончли ва герметик инвагинацион-муфтасимон эзофагоеюноанастомозни ишлаб чиқиш;

функционал адекват қизилўнгач-ичак анастомозини яратиш учун жарроҳлик технологияларидан фойдаланишнинг бевосита натижаларини қиёсий жиҳатдан баҳолаш;

ГЭ-дан кейин функционал адекват қизилўнгач-ичак анастомозини яратишнинг оригинал усулини қўллашнинг яқин ва узоқ муддатли натижаларини клиник, рентгенологик, эндоскопик ва морфологик баҳолашни амалга ошириш ва уларни мавжуд ГЭ усулларида қўллашнинг ўхшаш натижалари билан таққослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази абдоминал бўлимида текширувдан ўтган ва даволанган верификацияланган T4aN2M0, T4bN2M0 (3-4 клиник босқич) МС ташҳиси билан 76 ёшгача бўлган 862 бемор олинган. Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш жараёнида барча зарур тиббий ҳужжатлар, стандарт диагностика ва даволаш усулларидаги протоколлари, SSV№7-сонли рўйхатга олиш шакллари, ва РИОР ва РИАТ филиалларининг ҳисоб ҳужжатлари ўрганилди.

**Тадқиқотнинг предмети** бўлиб қуйидагилар олинди:

ЭФГДС биопсияси натижалари ва хулосалари (биопсия материаллари парафин блокларидан сақланган), ошқозон контраст рентгенографияси, қорин бўшлиғи, кичик чаноқ аъзолари ва периферик лимфа тугунларининг УТТси, кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи органларининг МСКТси, ПЭТ-КТ натижалари, шунингдек, қуйидаги таҳлиллар натижалари: қоннинг умумий таҳлили, биокимёвий таҳлил (мочевина, креатинин, АЛТ/АСТ, ишқорий

фосфатаза, умумий оқсил ва альбумин, билирубин, глюкоза), сийдикнинг умумий таҳлили, коагулограмма, ЭКГ, ЭхоКГ ва Карновский ва ЕСОГ шкаллари бўйича умумий ҳолатни баҳолаш натижалари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари** бўлиб диссертация ишида меъда саратонини тадқиқ қилишнинг стандарт усуллари – нур, радионуклид, эндоскопик, клиник ва биокимёвий, морфологик усуллар, рН-метрия усули қўлланилади, олинган натижаларнинг ишончлилиги беморларнинг клиник ва лаборатор-инструментал текширувлари маълумотларини статистик қайта ишлаш усуллари билан тасдиқланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

гастрэктомиянинг реконструктив босқичида инвагинацион-муфтасимон анастомоз қўйиш усули ишлаб чиқилган (ихтиро патенти №IAP 04468, 13.05.2010й.);

гастрэктомиянинг Ру бўйича реконструкциясида қониқарсиз функционал натижалар Ру-стаз ва гипогликемик синдромлар, агастрал анемия ва рефлюкс-эзофагит ўн икки бармоқ ичакдаги пейсмердан Ру афферент иннервациясининг бузилиши боғлиқ бўлганлиги исботланган;

меъданинг резервуар функциясини қоплаш, овқатнинг порцияли тушишини таъминлаш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради гастрэктомидан кейинг қизилўнгач-ичак анастомозини қўйиш усули ишлаб чиқилган (ихтиро патенти №IAP 05391, 04.02.2015й.);

«меъда ўрнини босувчи» резервуарни ўн икки бармоқ ичак орқали ўтиш йўлини қайтариш ёки қайтармасдан шакллантириш ўн икки бармоқ ичакни овқат пассажидан истисно қилиш ва кўтарилувчи қисмининг ўткир бурчаги ҳисобига демпинг-синдром ва рефлюкс-эзофагитнинг олдини олишини таъминлаши исботланган;

еюнопластикада трансдуоденал овқат ўтиш йўлини тиклаш билан редуоденизация ва антирефлюкс анастомоз шакллантириш йўқотилган меъданинг мотор-эвакуатор функциясини пасайиши ва сақламасининг порцияли эвакуацияси ҳисобига диспепсия симптомларининг олдини олишини исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тавсия этилган инвагинацион-муфтасимон эзофагоеюноанастомоз анастомознинг функционал ҳолатини яхшилайти, регургитация, дисфагия ҳодисаларини максимал даражада олдини олади ва анастомоз этишмовчилигининг частотасини сезиларли даражада камайтиради;

ГЭ дан кейин "меъда ўрнини босувчи" резервуарни яратиш функционал агастрал патологик синдромлар эҳтимолини олдини олади, ҳаёт сифатини ва операциядан кейинги реабилитация жараёнини яхшилайти;

"меъда ўрнини босувчи" резервуарнинг шакллантирилиши ва овқат ҳазм қилиш жараёнида ўн икки бармоқли ичакнинг иштирокини тиклаш сафронинг қизилўнгач бўшлиғига ташланишининг олдини олади ва шу билан рефлюкс эзофагитнинг пайдо бўлишининг олдини олади;

ГЭ дан кейин "меъда ўрнини босувчи" резервуарнинг шакллантирилиши, ГЭ нинг бошқа усуллари билан таққослаганда жарроҳлик давосининг бевосита

натижаларини бузмасдан, унинг узоқ муддатли натижаларини яхшилайти, функционал асоратларни олдини олади, ичак моторикасини ва овқат ҳазм қилиш пайтида овқат массаларини эвакуация қилиш жараёнини ва иммунитет тизими ҳолатини яхшилайти;

ўн икки бармоқ ичакнинг овқат ҳазм қилиш жараёнида иштирокини тиклаш, овқат ҳазм қилиш трактининг физиологик ҳолатини нормаллаштиради; хусусан, у ўн икки бармоқ ичакка овқатнинг порциал тушишини таъминлайти, овқат ҳазм қилиш шароитларини яхшилайти, ўн икки бармоқли ичак гипертензияси ва демпинг синдроми ривожланишининг олдини олишга ёрдам беради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** етарли миқдордаги кузатувлар (862 бемор) бўйича замонавий нур, эндоскопик, радионуклеид, морфологик, клиник ва биокимёвий текширув усуллари ёрдамида олинган маълумотлар билан тасдиқланган. Олинган лаборатория, инструментал, шунингдек объектив клиник маълумотлар ва беморларнинг субъектив тажрибалари маълумотлари замонавий статистик таҳлил усулларида ўтказилди.

Услубий жиҳатдан иш амалдаги қоидаларга тўлиқ мувофиқ равишда қурилган. Тадқиқот қиёсий характерга эгадир. Асосий гуруҳда олинган натижалар билан бир қаторда, назорат гуруҳида олинган натижалар ҳам қиёсий тадқиқотларнинг объективлиги учун умумий қабул қилинган мезонларга мувофиқ ўрганилди. Олинган маълумотлар статистик ишлов беришдан ўтказилди, аниқланган ишончли натижалар резюме, хулосалар ва амалий тавсиялар шаклида тақдим этилди.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти резектабел меъда саратонини жарроҳлик йўли билан даволаш бўйича билим ва кўникмаларни кенгайтиришга муҳим ҳисса қўшади ва тадқиқот натижаларининг меъда саратонини ташхислаш ва даволашда янги технологиялар ва алгоритмларни қўллаш орқали даво самарасини яхшилашдан иборат бўлиб, такомиллаштирилган эзофаго-еюно анастомоз усули ва диагностика-даволаш алгоритми операциядан кейинги асоратларни камайтириб, беморларнинг тикланишини тезлаштириши ва ётоқ кунларини қисқариши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг натижаларининг амалий аҳамияти, такомиллаштирилган меъданинг йўқолган функциясини қоплаш учун функционал жиҳатдан етарли даражада оригинал резервуар ишлаб чиқилган бўлиб, у ўн икки бармоқли ичакга овқат маҳсулотларини порциал тушишини таъминлаш ва беморларнинг эрта реабилитацияси ва ҳаёт сифатини яхшилаш учун мўлжалланганлигини имкон беради ва операциядан кейинги стационарда қолиш муддатини қисқартиришга ва дори-дармон ҳамда даволаш харажатларини камайтириши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 октябрдаги 09/15 -сон қарорига кўра:

*Биринчи илмий янгилик:* гастрэктомиянинг реконструктив босқичида инвагинацион-муфтасимон анастомоз қўйиш усули ишлаб чиқилганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қорақалпоғистон филиали жарроҳлик бўлимида 2023 йил 11 августдаги №43-сонли буйруқ билан, Самарқанд филиали жарроҳлик бўлимида 2023 йил 3 июлдаги №181-сонли буйруқ билан жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* Ишлаб чиқилган инвагинацион-муфтасимон анастомознинг гастрэктомияда жорий этилиши яхшироқ функционал ҳолат билан характерланиб, анастомоз етишмовчилиги хавфини камайтиради. Бу эса операциядан кейинги даврнинг яхшироқ кечишини таъминлаб, асоратларнинг олдини олишга ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратган. *Иқтисодий самарадорлиги:* Ишлаб чиқилган инвагинацион-муфтасимон анастомознинг гастрэктомияда қўлланилиши беморларнинг функционал ҳолатини яхшилаш ва анастомоз етишмовчилиги хавфини пасайтириш ҳисобига бюджет маблағларининг 15,5% гача тежалишига имкон берган. *Хулоса:* Ишлаб чиқилган инвагинацион-муфтасимон анастомознинг гастрэктомияда жорий этилиши яхшироқ функционал ҳолат билан тавсифланиб, анастомоз етишмовчилиги хавфини камайтириши исботланган. Бу эса операциядан кейинги даврнинг яхшироқ кечишини таъминлаб, асоратларнинг олдини олишга, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга, бюджет маблағларининг 15,5% гача тежалишига ва стационарда қолиш муддатининг 1-2 кунга қисқаришига имкон яратган.

*Иккинчи илмий янгилик:* гастрэктомиянинг Ру бўйича реконструкциясида қониқарсиз функционал натижалар Ру-стаз ва гипогликемик синдромлар, агастрал анемия ва рефлюкс-эзофагит ўн икки бармоқ ичакдаги пейсмеркердан Ру афферент иннервациясининг бузилиши боғлиқ бўлганлиги исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қорақалпоғистон филиали жарроҳлик бўлимида 2023 йил 11 августдаги №43-сонли буйруқ билан, Самарқанд филиали жарроҳлик бўлимида 2023 йил 3 июлдаги №181-сонли буйруқ билан жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* Гастрэктомиядан кейин Ру бўйича реконструкцияда кузатилиши мумкин бўлган қониқарсиз функционал натижалар — Ру-стаз, гипогликемик синдромлар, агастрал анемия ва рефлюкс эзофагитнинг олдини олиш ҳисобига операциядан кейинги асоратлар сони камайган ва беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* Меъда саратонини даволашда гастрэктомиядан сўнг Ру бўйича реконструкцияда кузатилиши мумкин бўлган қониқарсиз функционал натижалар — Ру-стаз, гипогликемик синдромлар, агастрал анемия ва рефлюкс эзофагитнинг олдини олиш операциядан кейинги асоратлар сонини камайтиришга, стационарда қолиш муддатини 1-2 кунга қисқартиришга ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берган. Бу эса давлат бюджети харажатларининг 10,5% га камайишига олиб келган. *Хулоса:* Янгича даволаш усулини қўллаш натижасида гастрэктомиядан кейин Ру бўйича реконструкцияда юзага келиши мумкин бўлган қониқарсиз функционал ҳолатлар — Ру-стаз, гипогликемик синдромлар, агастрал анемия ва рефлюкс

эзофагитнинг олди олиниб, операциядан кейинги асоратлар сони камайган, стационарда қолиш муддати 1-2 кунга қисқарган ва беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланган. Бу эса давлат бюджети харажатларини 10,5% га қисқартириш имконини берган.

*Учинчи илмий янгилик* меъданинг резервуар функциясини қоплаш, овқатнинг порцияли тушишини таъминлаш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини беради гастрэктомидан кейинг қизилўнғач-ичак анастомозини қўйиш усули ишлаб чиқилганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қорақалпоғистон филиали жарроҳлик бўлимида 2023 йил 11 августдаги №43-сонли буйруқ билан, Самарқанд филиали жарроҳлик бўлимида 2023 йил 3 июлдаги №181-сонли буйруқ билан жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* Ишлаб чиқилган қизилўнғач-ичак анастомозини қўллаш меъданинг резервуарлик функциясини қоплашга, озиқ-овқатнинг порциялаб тушишини таъминлашга ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* Такмиллаштирилган қизилўнғач-ичак анастомозини қўллаш беморларнинг стационарда бўлиш муддатини 3 кунга қисқартиришга имкон берган ва бу эса чоклар етишмовчилиги ҳолатларининг камайиши, эрта ўлим ҳолатларининг пасайиши ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ҳисобига давлат маблағлари харажатларининг 25,5% га камайишига олиб келган. *Хулоса:* Ишлаб чиқилган қизилўнғач-ичак анастомозини қўллаш меъданинг резервуарлик функциясини қоплаш ва озиқ-овқатнинг порциялаб тушишини таъминлаш ҳисобига беморларнинг стационарда бўлиш муддатини 3 кунга қисқартирган. Шунингдек, чоклар етишмовчилиги ҳолатларининг камайиши, эрта ўлимнинг пасайиши ва беморларнинг ҳаёт сифатининг яхшиланиши орқали давлат харажатларининг 25,5% га камайишига олиб келган.

*Тўртинчи илмий янгилик:* «меъда ўрнини босувчи» резервуарни ўн икки бармоқ ичак орқали ўтиш йўлини қайтариш ёки қайтармасдан шакллантириш ўн икки бармоқ ичакни овқат пассажидан истисно қилиш ва кўтарилувчи қисмининг ўткир бурчаги ҳисобига демпинг-синдром ва рефлюкс-эзофагитнинг олдини олишини таъминлаши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қорақалпоғистон филиали жарроҳлик бўлимида 2023 йил 11 августдаги №43-сонли буйруқ билан, Самарқанд филиали жарроҳлик бўлимида 2023 йил 3 июлдаги №181-сонли буйруқ билан жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* Таклиф этилган "меъда ўрнини босувчи" резервуарни дуоденал пассажни сақлаб ёки ундан воз кечиб қўллаш, овқатнинг ҳазм жараёнидаги ҳаракатидан ва йўғон ичакнинг кўтарилувчи қисмидаги ўткир бурчакдан чиқариб ташлаш ҳисобига демпинг-синдром ва рефлюкс-эзофагитнинг намоён бўлишини камайтиришга ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* Таклиф этилган "меъда ўрнини босувчи" резервуарни дуоденал пассажни сақлаб ёки ундан воз кечиб қўллаш овқатнинг ҳазм жараёнидаги ҳаракатидан ва йўғон ичакнинг кўтарилувчи қисмидаги ўткир бурчакдан чиқариб ташлаш ҳисобига

демпинг-синдром ва рефлюкс-эзофагит намоён бўлишини камайтиришга, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга, стационарда қолиш муддатини 1 кунга қисқартиришга ва давлат бюджети харажатларини 9,5% га тежашга имкон берган. *Хулоса:* Таклиф этилган "меъда ўрнини босувчи" резервуарни дуоденал пассажни сақлаб ёки ундан воз кечиб қўллаш демпинг-синдром ва рефлюкс-эзофагитнинг намоён бўлишини камайтириб, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга олиб келган. Шунингдек, стационарда қолиш муддатини 1 кунга қисқартириб, давлат бюджети харажатларини 9,5% га тежаш имконини яратган.

*Бешинчи илмий янгилик:* еюнопластикада трансдуоденал овқат ўтиш йўлини тиклаш билан редуоденизация ва антирефлюкс анастомоз шакллантириш йўқотилган меъданинг мотор-эвакуатор функциясини пасайиши ва сақламасининг порцияли эвакуацияси ҳисобига диспепсия симптомларининг олдини олишини исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қорақалпоғистон филиали жарроҳлик бўлимида 2023 йил 11 августдаги №43-сонли буйруқ билан, Самарқанд филиали жарроҳлик бўлимида 2023 йил 3 июлдаги №181-сонли буйруқ билан жорий этилган. *Ижтимоий самарадорлиги:* антирефлюкс анастомозининг шакллантирилиши билан еюнопластика пайтида овқатнинг трансдуоденал пассажини тиклаш билан редуоденизация меъданинг йўқолган мотор эвакуация функциясини пасайтириш ва таркибни порцион эвакуация қилиш орқали диспептик симптомларнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилишга имкон берган. Бу эса тезроқ реабилитацияга ёрдам берган ва стационарда қолиш муддатини қисқартирган. *Иқтисодий самарадорлиги:* антирефлюкс анастомозининг шакллантирилиши билан еюнопластика пайтида овқатнинг трансдуоденал пассажини тиклаш билан редуоденизация меъданинг йўқолган мотор эвакуация функциясини пасайтириш ва таркибни порцион эвакуация қилиш орқали диспептик симптомларнинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилишга имкон берган. Бу тез тикланишга, стационарда қолиш муддатини 2-3 кунга қисқартиришга ва давлат бюджети харажатларини 15% га тежаш имконини берган. *Хулоса:* таклиф этилган антирефлюкс анастомозининг шакллантирилиши билан еюнопластика пайтида овқатнинг трансдуоденал пассажини тиклаш билан редуоденизация меъданинг йўқолган мотор эвакуация функциясини пасайтириш ва таркибни порцион эвакуация қилиш орқали диспептик симптомларнинг пайдо бўлишининг олдини олган ва тез тикланишга ёрдам берган. Бу эса стационарда қолиш муддатини 2-3 кунга қисқартириб, давлат бюджети харажатларини 15% га тежаш имконини яратган.

**С.С.Худаёровнинг «Меъда саратони жарроҳлигида янги технологиялар»** мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги илмий янгиликлар бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2024 йил 18 ноябрдаги 02-03/710 – сон хати соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

**Илмий натижаларнинг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 7 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 3 та халқаро ва 4 та республика конференцияларида муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 39 та илмий мақола чоп этилган, шу жумладан 15 та журнал мақолалари, шундан 10 таси республика, 5 таси диссертациянинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган хорижий журналларда, 20 та тезис, 1 монография, 1 услубий тавсиянома ва 2 та патент.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, олтита боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва қўлланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 200 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** олиб борилаётган тадқиқотнинг долзарблиги ва талаб борлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва техникасининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилганлиги, нашр этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши келтириб ўтилган.

Диссертациянинг «**Меъда саратонини ташхислаш ва жарроҳлик давосининг замонавий ҳолати (адабиётлар шарҳи)**» мавзусидаги биринчи бобида Меъда саратонининг тарқалиш муаммосининг ҳозирги ҳолати, меъда саратони билан оғриган беморларни жарроҳлик давоси тактикаси, шунингдек, маҳаллий ва хорижий адабиётлар асосида эзофагоёюноанастомозни қўллаш усуллари бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. Меъда саратонини жарроҳлик давоси натижалари илмий ва амалий маълумотларни таҳлил қилишда келтирилган.

Диссертациянинг «**Клиник материалнинг умумий характеристикаси ва тадқиқот методикаси**» деб номланувчи иккинчи бобида диссертацияда қўлланилган тадқиқотнинг материал ва усуллари батафсил баён этилган. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг абдоминал жарроҳлиги бўлимида 2000 йилдан 2014 йилгача даволанган меъда саратони билан касалланган 862 беморни даволаш натижалари ўрганилган. Улар қуйидаги ҳажмларда жарроҳлик амалиётлари ўтказишган: стандарт, стандарт-радикал, кенгайтирилган-радикал ва комбинацияланган ГЭ.

Эзофагоёюноанастомозни шакллантириш усулларига қараб, текширилган беморлар 2 гуруҳга бўлинган:

1 – гуруҳда – n=302 (35,0%) – ГЭ тугагандан сўнг, Гилярович ва Гилярович-Шалимовга кўра муффтасимон шаклидаги ҚИА ҳосил қилинди.

2 - гуруҳда – n=560 (65,0%) – резекция босқичи тугагандан сўнг, биз томонидан ишлаб чиқилган усул бўйича инвагинация-муфтасимон ҚИА ҳосил қилинди.

Ушбу иккала анастомоз, анастомозларнинг вертикал турига киради, улар горизонтал турлардан фарқли ўлароқ, инвагинация ва муфта ҳосил бўлиш имкониятини яратади.

Текширилган беморлар орасида эркаклар 586 (68,0%) ва аёллар 276 (32,0%) нафарни ташкил қилди, жинсий нисбати 2,1:1. Шунга ўхшаш нисбат 1 ва 2-гуруҳларда сақланиб қолди. Беморларнинг ёши 24 ёшдан 78 ёшгача бўлган. Беморларнинг ўртача ёши  $58,7 \pm 5,3$  ёшни ташкил этди.

Ўсманинг локализациясига кўра, 1998 йилги ЖССА таснифига кўра: дистал соға саратони – L, меъда танаси саратони – M, проксимал қисм саратони - U, тотал шикастланиш - L+M+U, қизилўнгач ёки тишсимон чизиқнинг шикастланиши - E, пилорус ва ўн икки мармоқ ичак пиёзча қисмининг ўсмали инфилтрацияси.

ЖССТ халқаро гистологик таснифи (2004) бўйича ўсманинг гистологик тузилишини аниқлашда аденокарцинома 662 (76,8%) беморда, безли-яси хужайрали карцинома 66 (7,7%), ясси хужайрали карцинома - 36 (4,2%), майда хужайрали карцинома – 28 (3,2%) ва беморларнинг 70 (8,1%) тасида паст дифференциаллашган саратон аниқланди.

Беморларни Халқаро иттифоқнинг VII нашри (2010) бўйича TNM босқичи бўйича тақсимланганда T2N1-2M0 ва T3N1-2M0 босқич 15,7% (135) беморда; T4aN1-3M0 – 46,3% (399); T4bN2M0 – 33,2% (286); T4aN2-3M1 – 2,1% (18); T4bN2-3M1 – 2,8% (24) беморда аниқланди. Узок метастазлар M<sub>1</sub> 42 (4,9%) беморда аниқланди.

МСни комплекс текшириш учун кўкрак қафаси, қизилўнгач, меъда ва ўн икки бармоқли ичакнинг рентгенологик текшируви, УТТ, УТДГ, ФГДС, МСКТ, диагностик лапароскопия, комплекс қон таҳлиллари, умумий ва биокимёвий кўрсаткичлар қўлланилган. Меъда-ичак трактининг мотор эвакуация функцияси рентгенологик, ультратовуш ва радионуклид ёрдамида ўрганилди, рН-метрия амалга оширилди, меъда саратони онкомаркерлари СА 72.4 ва РЭА аниқланди.

Тадқиқотга РИОваРИАТМнинг абдоминал бўлими шароитида ГЭ бажарилган МС билан 862 бемор олинди. Жарроҳлик усули ва лимфа тугунларини ажратиш ҳажмига қараб, беморлар қуйидагича тақсимланди:

1. Стандарт ГЭ ЛД Д1 n=62 (7.2%).
2. Стандарт радикал ГЭ (СРГ) ЛД Д2 n=780 (90.5%).
3. Кенгайтирилган радикал ГЭ (КРГ) ЛД Д3 n=20 (2.3%).

Беморнинг аҳволи оғирлиги сабабли D2 ҳажмида лимфа диссекция қилиш имконияти йўқлиги сабабли, беморларнинг 7,2% да стандарт РЭ амалга оширилди. Д3 ҳажмидаги лимфодиссекция ҳажмининг самарадорлигини ўрганиш учун КРГ 2,3% (20) беморларда протокол билан ўтказилди. 862 бемордан 399 (46,3%) бемор комбинацияланган операция қилинди. Операция одатда юқори ўрта трансперитонеал киришдан амалга оширилди. Жарроҳликнинг максимал қулайлигига беморни тўғри ётқишиш орқали



эришилади. Меъда ўсмаси қизилўнғачнинг пастки кўкрак қисмига тарқалганда, ўсиб ўтиш даражасига қараб, тораколапаротом кириш йўлининг мақсадга мувофиқлиги масаласи ҳал қилинади.

"Меъда ўрнини босувчи" резервуарни шакллантириш учун биз беморларни танлашнинг маълум мезонларини ишлаб чиқдик, улар куйидаги жиҳатларни ўз ичига олган:

1. беморларнинг ёши 65 ёшгача бўлди.
2. Оғир ҳамроҳ патологияларнинг йўқлиги.
3. МСнинг асоратланган шаклининг йўқлиги.
4. TNM (2010) градациясига кўра фақат T2-3N1-2M0, T4aN1-2M0.
5. Лимфа тугунларининг 3-гуруҳида ва узоқ метастазларнинг йўқлиги.

2003 йилдан бошлаб ва 2014 йилгача ГЭ дан кейин ҳосил бўлган "меъда ўрнини босувчи" резервуарнинг компенсатор функциясини ўрганиш бўйича тадқиқот доирасида МС билан касалланган 304 бемор текширилди. Резервуарнинг ГЭ нинг функционал ҳолатига таъсирини ўрганиш учун беморлар 2 кичик гуруҳга бўлинган:

1. Асосий кичик гуруҳ - ГЭ дан кейин меъда ўрнини босувчи резервуар ҳосил қилинган n=148 бемор.


2. Назорат кичик гуруҳ - ГЭ кейин резервуар ҳосил қилинмаган n=156 бемор.

Резервуар функциясини ўрганиш операциядан 1, 3, 6 ой ва 1 йил ўтгач объектив ва субъектив усул билан амалга оширилди. ЭГДФС, рентген ва радионуклид текширувлар ёрдамида асосий ва назорат гуруҳларида юқори овқат ҳазм қилиш трактининг ҳолати ўрганилди.

Шаклланган резервуарнинг функционал ҳолати клиник, рентгенологик ва эндоскопик усулда биз томонидан ишлаб чиқилган мезонларга мувофиқ баҳоланди. Булар: демпинг синдроми, рефлюкс эзофагити, диспептик ҳолатлар, агастрал анемия белгилари, тана вазнининг ўзгариши, жисмоний реабилитация давомийлиги ва беморларнинг ҳаёт сифати.

Диссертациянинг «**Гастрэктомиянинг функционал асоратлари ва уларни баҳолаш мезонлари**» деб номланувчи учинчи бобида 862 беморда тотал ГЭ нинг функционал асоратларини таҳлил қилиш натижалари ёритилган. Беморларнинг асосий гуруҳида (n=560) клапан механизмларини олиб ташлаш туфайли ҳосил бўлган функционал асоратларни олдини олиш учун янги эзофагоеюноанастомоз қўлланилган. Шунинг учун биз назорат гуруҳи билан солиштирганда ушбу функционал камчиликларнинг компенсациясини объектив кузатиш имкониятига эга бўлдик. Назорат гуруҳининг беморлари (n=302) анастомоз шакллантирилишининг классик варианты ёрдамида операция қилинди.

Турли даражадаги демпинг-синдром 138 (45,7%) беморда кузатилди (улардан 56 (40,6%) - эркак ва 82 (59,4%) – аёл). Енгил даражадаги демпинг-синдром 77 (55,8%) беморда, ўрта даражадаги 49 (35,5%) беморда ва оғир даражаси 12 (8,7%) беморда кузатилди (1-расм).



**1-расм. Демпинг-синдромнинг ривожланиши (%да)**

Ўтказилган тадқиқотлар асосида ГЭ дан кейин анемия частотаси ва даражаси кўрсаткичлари аниқланди. Бу ҳақда маълумот 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**ГЭ дан кейин анемиянинг частотаси ва оғирлиги ҳақида маълумот динамикаси**

Анемия даражаси	Гемоглобинни сақлаш даражаси, г/л		Амалиётдан 3 ҳафта ўтгач		Амалиётдан 6 ой ўтгач		Амалиётдан 12 ой ўтгач	
	>90	<110	абс.	%	абс.	%	абс.	%
I даража	>90	<110	158	54,5	134	58,3	144	62,3
II даража	>70	<90	106	36,6	82	35,7*	79	34,2*
III даража	<70		26	9,0	14	6,1	8	3,5
			290	100,0	230	100,0	231	100,0

Жадвал шуни кўрсатадики, агар операциядан кейинги дастлабки 3 ой ичида 290 (96,0%) беморда агастрик анемия кузатилган бўлса, тегишли тавсиялар ва антианемик терапиядан сўнг, 6 ойдан сўнг, 60 (20,7%) беморларда анемия ҳодисалари бартараф этилди. Уларнинг гемоглобин даражаси 110 г/л дан ортиқни кўрсатди. Деярли бир йил ўтгач, бу кўрсаткич хали ҳам барқарор турганлиги кўринди.

Биз таклиф қилган реконструкциянинг назарий асосланиши овқат химусини гепатопанкреатодуоденал зонасининг овқат ҳазм қилиш ферментлари билан янада самарали аралаштиришни таъминлашдан иборат бўлиб, бу нейро-гуморал овқат ҳазм қилиш омилларини стимуллашга, овқат

ҳазм қилиш жараёнини, ёғлар, оқсиллар, углеводлар метаболизмини нормаллаштиришга, ва натижада озикланиш статусини, ҳаёт сифати ва руҳий-ижтимоий реабилитациянинг яхшиланишга олиб келади.

Диссертациянинг «ГЭ дан кейин функционал асоратларнинг олдини олиш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашда «меъда ўрнини босувчи» резервуар яратишнинг роли» деб номланган тўртинчи бобда, овқат ҳазм қилиш трактининг узлуксизлигини тиклаш усулига қараб беморларни ўрганиш натижалари келтирилган. Беморлар 2 гуруҳга бўлинган:

1-гуруҳ (n=148) – ГЭдан кейин "меъда ўрнини босувчи" резервуар шакллантириш билан овқат ҳазм қилиш тракти узлуксизлигини тиклаш амалга оширилган.

2-гуруҳ (n=156) - ГЭдан кейин "меъда ўрнини босувчи" резервуар шакллантирмасдан овқат ҳазм қилиш тракти узлуксизлигини тиклаш амалга оширилган.

## 2-жадвал

### Таққосланган гуруҳларда операциядан кейинги асоратлар ва ўлим частотаси

операциядан кейинги асоратлар ва ўлим частотаси	СРГ резервуар билан 12 бармоқ ичакда пассажни сақлаш билан, n=54		СРГ резервуар билан 12 бармоқ ичакда пассажни сақлашсиз, n=94		СРГ резервуар шакллантирмасдан билан, n=156	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Эзофагоёюноанастомоз етишмовчилиги	-	-	-	-	1	0,6
Ўткир амалиётдан кейинги панкреатит	2	3,7*	3	3,2*	3	1,9
Қорин ич қон кетиши	-	-	1	1,1	1	0,6
Экссудатив плеврит	4	7,4*	7	7,4*	2	1,3
Анастомозит	-	-	-	-	1	0,6
Эвентерация	-	-	-	-	2	1,3
Қорин олд девори жароҳати йиринглаши	-	-	-	-	-	-
ЎАТЭси	-	-	1	1,1	1	0,6
НСС	1	1,9	1	1,1	2	1,3
Полиорган етишмовчилик	-	-	1	-	-	-
Жами	7	13,0	14	14,9	21	13,5
Леталлик	1	1,9	2	2,1	3	1,9

ГЭда овқат ҳазм қилиш трактининг узлуксизлигини жарроҳлик йўли билан тиклаш учун ишлатган усулнинг янгилиги Ўзбекистон Республикаси

интеллектуал мулк агентлигининг IAP04468-сонли патенти билан тасдиқланган..

Жарроҳлик аралашувларнинг бевосита натижалари ўрганилди. Таққосланган гуруҳларда операциядан кейинги асоратлар ва леталлик ҳақида маълумот 2-жадвалда келтирилган

Резервуар шакллантириш билан ва шакллантирмасдан СРГ нинг функционал натижалари операциядан 3 ой ўтгач баҳоланди. Қуйида биз резервуар шакллантириш усулига қараб ва усиз демпинг синдромининг частотаси ҳақида маълумот келтирганмиз (3-жадвал).

3-жадвал шуни кўрсатадики, асл резервуар яратилгандан сўнг 12 бармоқ ичакнинг овқат ҳазм қилиш жараёнида иштирокини тиклаш билан, операция қилинган 54 беморнинг ҳеч бирида демпинг-синдроми кузатилмади.

Ушбу тадқиқот натижалари ҳақида маълумот 4-жадвалда келтирилган. Кўриниб турибдики, 12 бармоқ ичак бўйлаб пассаж сақлаш билан резервуар шакллантирилишида 2 (3,0%) беморда А даражали рефлюкс эзофагити кузатилган. Операциядан 3 ой ўтгач, бу беморлар, айниқса, ёғли овқатларни истеъмол қилгандан кейин, биров жигилдон қайнатишидан шикоят қилишди.

### 3-жадвал

#### Резервуар шакллантириш ёки шакллантирмаслик усулига қараб демпинг синдромининг частотаси

№	Жарроҳлик реконструкция усуллари	Бемор сони	Демпинг-синдром						Жами	
			Енгил даража		Ўрта даража		Оғир даража			
			абс	%	абс	%	абс	%	Абс	%
1.	СРГ резервуар билан 12 бармоқ ичакда пассажни сақлаш билан	54	-	-	-	-	-	-	-	-
2	СРГ резервуар билан 12 бармоқ ичакда пассажни сақланишсиз	94	4	4,3*	1	1,1	-	-	5	5,3
3	СРГ резервуар шакллантирмаслик билан	156	22	14,1	14	9,0	5	3,2	41	26,3

(p<0,5)

## 4-жадвал

**Резервуар шаклантириш ёки шаклантирмаслик усулига қараб  
рефлюкс эзофагит частотаси**

Жарроҳлик реконструкция усуллари	Бемор сони	Рефлюкс-эзофагит								Жами	
		А даража		В даража		С даража		D даража			
		абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
СРГ резервуар билан 12 бармоқ ичакда пассажни сақлаш билан	54	2	3,7*	-	-	-	-	-	-	2	3,7
СРГ резервуар билан 12 бармоқ ичакда пассажни сақланишсиз	94	5	5,3*	2	2,1	-	-	-	-	7	7,4
СРГ резервуар шаклантирмаслик билан	156	53	33,3	28	17,9	14	9,0	4	2,6	98	62,8

(p&lt;0,5)

Жарроҳлик даволаш усулига қараб операциядан кейинги бир йил ичида демпинг синдроми ривожланиш частотаси 5-жадвалда келтирилган.

## 5-жадвал

**Жарроҳлик даволаш усулига қараб операциядан кейинги 12 ой ичида  
демпинг синдроми ривожланиш частотаси**

Жарроҳлик реконструкция усуллари	Бемор сони, n=304	Демпинг-синдром						Жами	
		Енгил даража		Ўрта даража		Оғир даража			
		абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
СРГ резервуар билан 12 бармоқ ичакда пассажни сақлаш билан	54	-	-	-	-	-	-	-	-
СРГ резервуар билан 12 бармоқ ичакда пассажни сақланишсиз	94	1	1,1	-	-	-	-	1	1,1
СРГ резервуар шаклантирмаслик билан	156	18	11,5	8	5,1	2	1,3	28	17,9

Яратилган резервуарнинг 12 ой ичида гипогликемик синдромни ривожланиш эҳтимолига таъсири ҳақида маълумот 6-жадвалда келтирилган.

**6-жадвал**

**Реконструкция усулига қараб 12 ой ичида гипогликемик синдромнинг ривожланиш частотаси**

Жарроҳлик реконструкция усуллари	Бемор сони, n=304	Гипогликемик синдром						Жами	
		I даража		II даража		III даража		абс	%
		абс	%	абс	%	абс	%		
СРГ резервуар билан 12 бармоқ ичакда пассажни сақлаш билан	54	-	-	-	-	-	-	-	-
СРГ резервуар билан 12 бармоқ ичакда пассажни сақланишсиз	94	4	4,2*	2	2,1	-	-	6	6,4
СРГ резервуар шаклантирмаслик билан	156	22	14,1	16	10,3	6	3,8	44	28,2

ГЭ операциясидан кейин 12 ой ичида тана вазнининг ўзгариши тўғрисидаги маълумотлар 7-жадвалда келтирилган.

**7-жадвал**

**Реконструкция усулларига қараб ГЭ дан кейин 12 ой давомида тана массаси индексининг ўзгариши**

Жарроҳлик реконструкция усуллари	Бемор сони n=304	Чиқариш да тана массаси, %	Тана массаси ўзгариш индекси			
			<100		>100	
			абс	%	абс	%
СРГ резервуар билан 12 бармоқ ичакда пассажни сақлаш билан	54	100	-	-	54	100
СРГ резервуар билан 12 бармоқ ичакда пассажни сақланишсиз	94	100	-	-	94	100
СРГ резервуар шаклантирмаслик билан	156		86	55,1	70	44,9

7-жадвалдан кўришиб турибдики, 12 ойдан кейин ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 1 ва 2 - гуруҳларда барча беморларда тана массаси индекси мусбат бўлган, 3-гуруҳда эса тана массаси индекси мусбат бўлган беморларнинг улуши 44,9% ни ташкил этган, салбий эса – 55,1% да кузатилган. 1, 2 ва 3 гуруҳлар ўртасидаги фарқлар статистик аҳамиятли ( $p < 0.05$ ).

Юқоридаги жадваллардан кўришиб турибдики, 1 ва 2-гуруҳларда операциядан 12 ой ўтгач диспептик бузилишлар умуман кузатилмади ва 3-

гурухда биз беморларнинг 71,1 фоизда бу бузилишларни кузатдик ва 6 ойлик кузатув маълумотларидаги ўзгаришлар ишончсизлиги аниқланди ( $p>0,05$ ).

#### 8-жадвал

### СРГ дан кейин реконструкция усулларига қараб 12 ойдан сўнг диспептик бузилишларнинг частотаси ва интенсивлиги

Диспептик бузилишлар даражаси	СРГ резервуар билан 12 бармоқ ичакда пассажни сақлаш билан, n=54		СРГ резервуар билан 12 бармоқ ичакда пассажни сақлашсиз, n=94		СРГ резервуар шаклланти рмаслик билан, n=156		Всего	
	абс	%	абс	%	абс	%	абс	%
Диспептик бузилишларнинг йўқлиги	54	100	94	100	45	28,9	193	63,5
Диспептик бузилишлар кузатилиши частотаси	-	-	-	-	108	69,2	108	35,5
Диспептик бузилишларнинг ифодаланганлиги	-	-	-	-	3	1,9	3	1,0

3-гурухда 3, 6 ва 12 ойдан кейин беморларнинг ҳаёт сифати беморларнинг 1 ва 2 гуруҳларидаги кўрсаткичлардан сезиларли даражада ( $p<0,05$ ) фарқ қилади. Тадқиқот шуни кўрсатдики, беморларнинг атиги 7,7 фоизда 6 ойгача ҳаёт сифати индекси операциядан олдинги давр билан таққосланадиган бўлган ( $p<0,05$ ). 12 ойдан сўнг, беморларнинг атиги 16 фоизда операциядан олдинги даврдаги ҳаёт сифати билан сезиларли даражада фарқ қилмаган ва беморларнинг 84 фоизда бу кўрсаткич анча пастлиги кузатилди ( $p<0,05$ ).

#### 9-жадвал

### ГЭ дан кейин реконструкция усулларига қараб МС беморлари ҳаёт сифатининг ўртача кўрсаткичлари

Кузатув муддати	1 гуруҳ, n=54	2 гуруҳ, n=94	3 гуруҳ, n=156
Жарроҳлик давоси арафасида	65,4 $\pm$ 2,3	66,1 $\pm$ 2,41	65,9 $\pm$ 2,1
3 ойдан сўнг	63,4 $\pm$ 2,4	61,4 $\pm$ 2,6	57,3 $\pm$ 0,9***
6 ойдан сўнг	76,2 $\pm$ 2,2***^^^	70 $\pm$ 2,1^	61,4 $\pm$ 0,8***^^^
12 ойдан сўнг	82,4 $\pm$ 2,6***^^^	75,3 $\pm$ 1,9***^^^	63,3 $\pm$ 0,8^^^

